

**«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ХОДИМЛАРИНИНГ ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ, БЛОГЕРЛАР, ВЕБ-САЙТЛАР,
ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ВА БОШҚА АХБОРОТ ТАРҚАТИШ
ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ,
ИНТЕРВЬЮ БЕРИШ, ЧИҚИШЛАР ҚИЛИШ ТАРТИБИНИ
БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ**

**ПОЛОЖЕНИЕ О ПОРЯДКЕ РАСКРЫТИЯ ИНФОРМАЦИИ,
ИНТЕРВЬЮ, ВЫСТУПЛЕНИЙ СОТРУДНИКОВ ЧЕРЕЗ СМИ,
БЛОГЕРОВ, САЙТЫ, СОЦИАЛЬНЫЕ СЕТИ И ДРУГИЕ СМИ
АКЦИОНЕРНОГО ОБЩЕСТВА «НАЦИОНАЛЬНЫЕ
ЭЛЕКТРИЧЕСКИЕ СЕТИ УЗБЕКИСТАНА»**

**“ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

Тошкент

Сўзбоши

1 Матбуот котиби — ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчи томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН.

2 “ Ўзбекистон миллий электр тармоқлари ” АЖнинг 13.11.2020 даги 354 -сонли буйруғи билан ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН.

3 БИРИНЧИ БОР КИРИТИЛГАН.

Тасдиқлайман



«Ўзбекистон МЭТ» АЖ
бошқарув раиси

Д.А.Исакулов

**«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ХОДИМЛАРИНИНГ ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ, БЛОГЕРЛАР, ВЕБ-САЙТЛАР,
ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ВА БОШҚА АХБОРОТ ТАРҚАТИШ
ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ,
ИНТЕРВЬЮ БЕРИШ, ЧИҚИШЛАР ҚИЛИШ ТАРТИБИНИ
БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ**

**ПОЛОЖЕНИЕ О ПОРЯДКЕ РАСКРЫТИЯ ИНФОРМАЦИИ,
ИНТЕРВЬЮ, ВЫСТУПЛЕНИЙ СОТРУДНИКОВ ЧЕРЕЗ СМИ,
БЛОГЕРОВ, САЙТЫ, СОЦИАЛЬНЫЕ СЕТИ И ДРУГИЕ СМИ
АКЦИОНЕРНОГО ОБЩЕСТВА «НАЦИОНАЛЬНЫЕ
ЭЛЕКТРИЧЕСКИЕ СЕТИ УЗБЕКИСТАНА»**

Амалга киритиш санаси *15.11.2020*

1 Қўлланиш соҳаси

Ушбу низом Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июнь кунидаги “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида” ЎРҚ-547-сонли Қонунига асосан, шахсга доир маълумотларни номуайян доирадаги шахсларга ошкор этиш, уларни ОАВларда маълум қилиш, Интернетга жойлаштириш ёки бошқа бирор-бир усул билан фойдаланиш имконини бериш, шунингдек ёлғон маълумотлар тарқалишини олдини олиш, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият)

рахбарияти ва ходимларининг шахсий обрўсини сақлаш ва маъсулиятини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

2 Шахсга доир маълумотлар

2.1 **Шахсга доир маълумотлар** — муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган ахборотдир.

Яъни:

- Жисмоний шахснинг исми, фамилияси, отасининг исми;
- туғилган вақти, туғилган жойи;
- вақтинча ёки доимий яшаш жойи;
- оиласи, ижтимоий ҳолати;
- маълумоти, касби, лавозими, иш жойи;
- даромадлари ва мулкӣ ҳолати;
- телефон рақами;
- шахсий сурати (фото ва ҳк.);
- биометрик ва генетик маълумотлар ва бошқа маълумотлар.

3 Такдим этилиши ва тарқатилиши

3.1 Шахсга доир маълумотлар шахснинг ўз шахсий ҳаётида ўз хоҳиши билан сақланиши, тарқатилиши мумкин.

3.2 Қонунда белгиланган тартибда давлат органи томонидан ҳам юқоридаги маълумотлар талаб қилиб олинishi, сақланиши, уларга ишлов берилиши, тарқатилиши мумкин.

3.4 Айрим ҳолларда турли хизматлар, товарлар сотиб олаётганда шахсга ёки Жамиятга доир маълумотларни такдим этиш ва улардан

фойдаланишга раҳбарият ва ходим томонидан розилик берилгандан сўнг тақдим этилиши мумкин.

4 Тақик ва жавобгарлиги

4.1 Оммавий ахборот воситалари, блогерлар, веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар ва бошқа ахборот тарқатиш воситаларига Жамият раҳбариятининг ёзма розилигисиз ҳар қандай маълумотларни тақдим этиш;

4.2 Жамият раҳбарияти ва ходимларига доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш;

4.3 Жамиятнинг маъмурий биноси ташқи ва ички қисмларини фото ва видеоларга олиш, уларни бегоналарга тақдим этиш;

4.4 Жамият раҳбар ва ходимларининг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш.

5 ОАВ ва жамоатчилик вакиллари билан ишлаш

5.1 «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятининг барча ишчи-ходимлари Жамият фаолияти билан боғлиқ ахборот, маълумот ва ҳисоботларни ОАВ ва жамоатчилик вакилларига белгиланган тартибда Ахборот хизмати орқали тақдим этишлари лозим (юқори турувчи ташкилотлар ҳамда ҳамкор корхоналарга иш юзасидан расмий хат орқали ахборот-маълумот тақдим этиш бундан мустасно).

5.2 Жамият ишчи-ходимлари ахборот олиш истагида бўлган барча фуқароларга (жисмоний шахсларга) Жамиятнинг расмий веб-сайти ва

унинг ижтимоий тармоқдаги саҳифалари барқарор фаолият юритаётганини билдириб (Жамиятнинг электрон манзилларини тақдим этган ҳолда), у ердан умумий маълумотларни олишлари мумкинлиги, шунингдек, хусусий характердаги маълумотларни тақдим этишга Жамият бошқарув раисининг матбуот котиби — ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси масъул эканлигини, сўралган маълумотлар (ахборот) амалдаги қонунларга мувофиқ шакл ва муддатларда тақдим этилишини билдириши лозим.


5.3 Жамият раҳбар кадрлари ҳамда ишчи-ҳодимлари ахборот олиш истагида бўлган ташкилот ва корхоналар, таҳририятлар ёки ахборот агентликларига (юримдик шахсларга) Жамиятнинг расмий веб-сайти ва унинг ижтимоий тармоқдаги саҳифалари барқарор фаолият юритаётганини билдириб (Жамиятнинг электрон манзилларини тақдим этган ҳолда), у ердан умумий маълумотларни олишлари мумкинлиги, шунингдек, хусусий характердаги маълумотларни Жамият бошқарув раиси ҳамда унинг ўринбосарлари номига расмий мурожаат этган ҳолда олишлари мумкинлигини (бу ҳақда Жамият матбуот котибининг огоҳлантириб қўйиш зарурлигини) билдиришлари, юримдик шахслар томонидан сўралган расмий мурожатларга жавоб бериш (маълумот, ахборот) амалдаги қонунларга мувофиқ шакл ва муддатларда тақдим этилишини маълум қилишлари шарт.

5.4 Ушбу Низом бандларини бузган ишчи-ҳодимлар Жамият ички тартиб-қоидаларини бузган деб ҳисобланиб, меҳнат қонунчилигига оид маъмурий чоралар қўлланилиши, мукофот ва устама ҳақлардан маълум муддат маҳрум этилиши, Низом қоидаларини қўпол равишда бузиб, Жамиятга молиявий ва маънавий зарар етказган бўлса, ходим билан имзоланган меҳнат шартномаси бекор қилиниши, қонунчиликнинг тегишли моддаларига биноан маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ахборот маълумотлари

Матбуот котиби — ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчи томонидан **ишлаб чиқилган.**

Матбуот котиби



У.П.Урунов

Келишилган

Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари




Ж.Б. Элмуродов

Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари



С.С. Артиков

Бошқарув раисининг ўринбосари




Ж.Т.Аширбоев

Бошқарув раисининг ўринбосари



Ф.М. Курбанов

Бошқарув раисининг маслаҳачиси



О.А.Тўхташев

Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси
Бошқарма бошлиғи



А.Т. Джураев

Ходимлар билан ишлаш бошқармаси
Бошқарма бошлиғи



И.И.Хамидов

Юридик бошқарма
Бошқарма бошлиғи



Ш.С.Ахмедов

Норма-назоратчи



Л.Б.Ғозиева